



ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КОГНИТИВ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БЛУМ ТАКСОНОМИЯСИ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ганиев Темирбой Султанбаевич - катта ўқитувчи

Қорақалпоғистон Республикаси педагогик маҳорат маркази

Аннотация: Мақолада тарих дарсларида ўқувчиларнинг когнитив қобилиятларини ривожлантиришда Блум таксономияси технологиясидан фойдаланиш усуллари кўриб чиқилган ва тегишли хулосалар чиқарилган.

Калит сўзлар: когнитивлик қобилият, Блум таксономияси, иерархия, фикрлашнинг 6 даражаси.

Сўнгги йилларда таълим соҳасида туб янгиланиш ҳаракатлари кўзга ташланмоқда. Мактаб таълими мамлакатимизда асосий эътибор талаб қиладиган таълим турига айланди. Агар дастлабки даврда таълим-тарбия соҳасининг бош мақсади - сифатли таълим беришдан иборат бўлган бўлса, бугун, унга қўшимча равишда, ўқитиш жараёни самарадорлигини ошириш вазифалари кун тартибига киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 29 йиллиги тантанали байрам табригида Ўзбекистонда янги бир уйғониш - Учинчи Ренессанс даврига асос солинаётганлигини айтиб ўтган бўлса, ўзининг навбатдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида биринчи навбатда, эътибор Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни қўллаб-қувватлашга қаратилиши кераклигига алоҳида тўхталиб, "Мадад - таълимда, мадад - тарбияда, мадад - билимда. Чунки, барча эзгу мақсадларга таълим ва тарбия орқали эришилади" деб таъкидлади [1]. Шундай экан, бу билдирилган фикрлар, вазифалар мактаб ўқитувчиларига катта масъулият юклайди.



Когнитив қобилиятлар - бу бизнинг миямиз, атрофимиздаги олам ҳақидаги маълумотлар, хусусан, ўтмишдаги тажриба - биз ҳис-туйғуларимиз, фикрларимиз ва қарашларимиз билан қабул қиладиган нарсалар билан қандай ишлашига боғлиқ интеллектуал қобилиятлар мажмуидир [2.343].

"Сана" сўзи билимларни ўзлаштириш ҳаракати ёки жараёнини билдирса-да, когнитив функцияларни илгари олинган билимлар ёрдамида ҳам амалга ошириш мумкин. Когнитив кўникмаларга мисоллар қисқа ва узоқ муддатли хотира, тил яратиш ва қайта ишлаш, муаммоларни ҳал қилиш ва нақшни аниқлаш асосида башорат қилиш қобилиятини ўз ичига олади.

Инсон онгини ўрганадиган фан когнитив фан деб аталади. Бу фанлараро соҳа бўлиб, инсон онги ва унинг жараёнларини ўрганишга қаратилган. У фалсафа, психология, антропология, неврология, филология ва ҳатто сунъий интеллект ва компьютер фанлари каби соҳаларга таянади. Когнитив фан биз нарсаларни қандай ўрганишимиз ва тушунишимиз, вазиятларни қандай баҳолашимиз ва қарор қабул қилишимиз, нарсаларни қандай режалаштиришимиз ва муаммоларни ҳал қилишимиз ва бошқаларни тушунтиришга ҳаракат қиладди. Бунинг учун когнитив олимлар турли тажрибалар, мия сканерлари ва ҳисоблаш моделларидан фойдаланади.

Когнитив қобилиятлар бизнинг ҳаётимиз учун асос бўлиб, ривожланиш учун зарурдир. Бу концепция мураккаб ва хилма-хил таърифларга эга бўлиб, хусусан, рационализм, скептицизм, тўғри таҳлил ва фактларни текширишга қаратилган. Шундай экан, танқидий фикрлаш бу ўзини ўзи бошқарадиган, ўзини ўзи тарбиялайдиган, ўзини ўзи назорат қиладиган ва ўзини ўзи тўғрилайдиган фикрлаш шаклидир. Танқидий фикрлаш самарали мулоқот ва муаммоларни ҳал қилиш кўникмаларини эгаллашни талаб этади.

Тарих дарсларида ўқувчиларда когнитив қобилиятларни қандай ривожлантиришимиз мумкин? Биз, ушбу мақоламизда ўқувчиларнинг когнитив қобилиятини ривожлантиришда Блум таксономияси технологиясидан фойдаланиш усуллари кўриб чиқамиз.



Блум таксономияси технологияси олти хил даражадан иборат фикрлаш қобилиятларининг иерархик модели ҳисобланиб, модель доирасида когнитив қобилиятларни ривожлантиришни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир [3.138]. Чунки, ўқувчиларда когнитив қобилиятларни ривожлантириш ва уни назорат қилиш учун ўқитувчининг қўллайдиган топшириқ ва саволлари фикр ва онгнинг қай даражада ривожланганлигини аниқлай оладиган бўлиши керак. Блум таксономияси - бу ўқувчиларнинг барча турдаги ақлий фаолиятини кузатишга ёрдам берадиган воситадир.

Блум таксономияси - 1956 йили Б.Блум томонидан "Таълим мақсадлари таксономияси: билиш соҳаси" китобида тақдим этилган когнитив (ижодий) соҳадаги таълим мақсадларининг таснифи.

Блум таксономияси бугунги кунда таълимни режалаштириш воситаси сифатида кенг қўлланилмоқда.

Мақсадлар таксономиясида когнитив (ижодий) фаолият категорияларни ўз ичига олади: билиш, тушуниш, қўллаш, анализ, синтез, баҳолаш. Фикрлаш қобилиятлари иерархия бўйича оддийдан мураккабгача тартибга солинади.

Бу технологиядан тарих дарсларида қуйидагича фойдаланиш мумкин.

Намуна:Тарих.6-синф.Мавзу:2-§.Энг қадимги одамларнинг ривожланиш босқичлари [4]

1-даража - билиш. Бу даражада ўқувчилар Ким?, Нима?, Қачон?, Қаерда? каби саволларга жавоб излайдилар, атамаларни, фактларни билишга, айтиб беришга, кўрсатиб беришга ҳаракат қиладилар.

1. Тарих фанида энг қадимги одамлар нима деб аталади?
2. Олимлар энг қадимги одам суяклари қолдиқларини қайси ҳудуддан топиб ўрганишган?
3. Энг қадимги одамларнинг ёши тахминан қанчага тенг?
4. Олимлар энг қадимги одамларни кимлар деб аташган?
5. Буюк музлик даври қачон бошланган?
6. Нима учун қадимги одамлар биргаликда яшашга мажбур эдилар?



2-даража - тушуниш. Бу даражада ўқувчилар қандай мисоллар тўғри келади..., асосий ғояси қандай..., сиз тушунтира оласизми... каби саволларга жавоб излайдилар ва мавзу мазмунини ўз сўзлари билан тушунтиришга ҳаракат қиладилар.

1. Буюк Музлик даври инсониятни қандай синовларга дучор қилди?
2. Буюк Музлик даврида қадимги одамлар қийинчиликдан қутулиш учун қандай йўл тутдилар?
3. Буюк Музлик даврида қандай одамлар омон қолган?

3-даража-қўллаш. Бу даражада таълим оловчилар якуни қандай бўлади, агар,...қандай қўлласа бўлади,...фойдаланса бўлади каби саволларга жавоб топадилар ва олган билимларидан фойдалана олиш кўникмасига эга бўладилар.

1. Сизнингча қадимги одамлар ўзларини қутқариш учун қилган ҳаракатлари тўғрими?
2. Нима деб ўйлайсиз, улар ўзларини қутқариб қолиш учун олдиндан тайёргарлик кўришлари керакмиди?

4-даража - таҳлил. Бу даражада таълим оловчилар нима билан боғлиқ..., фарқи нимада..., қандай таснифлаш мумкин, қандай далилларга эга каби саволларга жавоб излайдилар ва уларда таққослаш, текшириш, эксперимент ўтказиш, муҳокама қилиш, элементларга ажрата олиш кўникмаси шаклланади.

Музлик даври

Қадимги одамлар борган сари кучайиб бораётган совуқ олдида ожиз эканликларини тушуниб, иссиқ ва пана жойлашиб, узоқ манзилгоҳларга кетадилар. Мана, кўп вақтдан бери йўталиб келаётган бир кекса одам орқада қола бошлайди. У касалманд ва зўрға қадам ташлаб келаётган эди. Одамлар тез-тез тўхташ хавфли эканлигини, сабаби шунинг учун, кўпчилик ўлиб кетиши мумкинлигини тушунар эди. Кекса одам ортда қолиб кетди, лекин бошқалар уни кутмасдан ўз йўлларида давом этади. У ўзга жойларда ёлғиз қолишини тушуниб, қаттиқ азобланиб, инграйди. Кекса одамнинг ёлвораётган



ноласи узоқ вақтгача эшитилиб турди, кейин аста-секин пасайиб, охири бутунлай ўчди. Кейинроқ шу йўлдан ўтган бошқа одамлар ҳам совуқдан музлаб, қалтираб ётган касалманд чолни кўради. Бироқ, бу одамлар ҳам унга ёрдам бермайди. Қорли бўрон тўхтамай, кучаяр эди. Қора совуқ бошланган. Одамларни олдинда яна оғир синовлар кутар эди. Бу давомли, шафқатсиз ибтидоий давр эди. Музлик даврида кучли одамларгина омон қолган.

Берилган эпизодни бир марта ўқиб чиқинг ва мана бу саволга жавоб қайтаринг.

1. Қадимги одамлар ўрнида бўлганингизда нима қилган бўлар эдингиз?
2. Нима учун гуруҳдагилар беморга ёрдам кўрсатишни хоҳламади?

5-даража-синтез. Бу даражада ўқувчилар қандай қилиб бошқача хулосаларга келиш мумкин..., қандай қилиб боғлай олиш мумкин...,....бир-бирига мослигини топиш мумкин... каби саволларга жавоб излайдилар ва ўз фикрларини умумлаштирадилар, янгича ёндашувлар билдирадилар.

1. Қадимги одамлар ҳаётини ўрганиб чиқиб, ўзингизда ўқувчилар билан мулоқотда мавжуд бўлган қийинчиликлар рўйхатини ишлаб чиқинг.
2. Қадимги одамларни тушунишга ҳаракат қилинг.
3. Қадимги одамларнинг ривожланиш босқичлари ҳақида қисқача эссе тузинг.

6-даража - баҳолаш. Бу даражада ўқувчилар Сиз бу фикрга қўшиласизми..., нимани тавсия этиш мумкин..., кучли ва заиф томонлари нимада..., келишув нимага асосланади... каби саволларга жавоб излайдилар ва ўқувчиларда матн юзасидан ўз фикрини билдириш, нуқтаи назарини ҳимоя қилиш, далиллаш кўникмаси шаклланади.

1. Қадимги одамлар турмушига қандай баҳо берасиз?
2. Улар сизга қандай одамлар бўлиб кўринди?
3. Уларни яна қандай қийинчиликлар кутаётганини ўйлаб кўрганмисиз?

Хулоса қилиб айтганда, юқорида тавсия этилган Блум таксономияси технологияси ўқувчиларнинг билимларини иерархия ёрдамида



ривожлантириб, оддийдан мураккабга олиб боради ва ҳар қандай муаммоли вазиятда ҳам ўзларининг фикрига, ечимига эга бўлиш ҳамда уни бошқаларга ўтказа олишга ўргатади, уларда тарихий билимлар билан бирга ҳаётий тажрибани ҳам оширади. Ўқувчиларда ХХІ аср кўникмаларидан ҳисобланган коммуникативлик, гуруҳ, жамоа бўлиб ишлаш, танқидий ва креатив фикрлаш кўникмалари билан бирга когнитив қобилиятини ривожлантириш имкониятлари юқори ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning O‘qituvchi va murabbiylar kuniga bag‘ishlangan tantanali marosimdagi [nutqi](#) (30.09.2020)
2. O‘zbekiston Milliy enciklopediyasi T-2011
3. Климова Т.В. Способы формирования критического мышления студента. Вестник ОГУ №2 (138)/февраль 2012.
4. Sagdullaev A.S. Kosteckiy V. A. Tariyx (Áyyemgi dúnya) T-2022